

Инсонга етган барча нарса ризқдир



12:30 / 19.01.2022 3448

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга у-бу нарса бериб турар эдилар. Мен эса «уни мендан фақирроққа беринг», дер эдим. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга: «Сенга бирор-бир мол берилса-ю, сен унга кўз тикмаган бўлсанг уни олавер. Агар акси бўлса нафсингни унга эргаштирма (кўз тикма)!», дер эдилар.

Умар розияллоху анхунинг иззат нафсига қаранг! Сўрамасаларда уйларига мол келди. У зот эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга «уни мендан фақирроққа беринг» деб қайтармоқчи бўляптилар.

Аслида Умар розияллоху анху фақир ва мискинларнинг ҳаққини олаётганлари йўқ. Уларни ўзларидан муҳтож деб, ўзларидан уларни устун

кўраяптилар.

Бугун шунақанги инсонларни кўряпмизки, эҳтиёжи бўлмасада дунёни ютиб юборса гўё. Бошқаларга ҳеч нарса қолмаса-да ундан. Ҳамма соҳада уни топасиз. Ҳамма ёқни монополия қилиб ташлаган. Унақаларнинг касофатидан халқимиз кўп маҳсулотларни уч-тўрт баробар қиммат оляпти. Уларнинг зарарини бутун халққа тақсимланса миллион-миллион доллар бўлиб кетади. Бунақаларнинг охиратдаги жазоси оғир бўлади. Бунақаларда итнинг феъли бордир. Булар фақат ўзини ўйлайди. Халқ очликдан ўлиб кетмайдими, қизиғи йўқ уларга. Уларнинг бундай бўлганлигига сабаб ошқозонидаги эмас, нафсидаги очликдир!

Баъзи фақирларда иззатун нафс шунақа кучлики, барча фақирга бериб уни ёлғиз қолдирсангда ҳожатини айтмайди, билдирмайди. Эҳтиёжи бўлмаганлар эса дунёни остин-устун қилади. Беришга қудрати етишига қарамай фақат олади. Кам таъминланган кишиларга бериладиган ёрдамни ҳам муттаҳамлик билан олади. Маҳаллада бир нарса тарқатсанг-у, уни ташлаб ўтиб кетсанг қиёматни қоим қилади. Ҳатто сени ўғирликда айблади. «Менга ажратилган нарсани бермадинг», дейди.

Бугун кишиларнинг аҳволи анча оғирлашди. Алҳамдулиллаҳки, сахий бойлар кўпайди. Кимдир ёлғиз ўзи ҳеч кимга билдирмасдан саховат қилади. Кимдир хайрия уюшмаларига қўшилиб ёрдам қилади. Аллоҳ баракасини берсин!

Инсон ўзини хорламаслиги лозим. Агар сўрамасангизда сизга нимадир беришса олинг. Унга эҳтиёжингиз бўлса Аллоҳ баракасини берсин, ўзингизга ишлатинг. Агар эҳтиёжингиз бўлмаса ўзингиз танийдиган фақирларга юборинг. Инсонга етган барча нарса ризқдир. Адабсизлик ризқни зиёда қилмайди. Ризқ мақтовли ҳаракат билан кўпаяди. Сиз тўполон қилиб олмоқчи бўлган нарса уйингизга лутф билан ҳам етиб келиши мумкин. Чунки бу сизнинг ризқингиз. Ўзингизники бўлмаган нарсани бутун инсоният ва жинларни ишга солсангиз ҳам ололмайсиз.

Ризқ масаласида одамлардан олдин Аллоҳга нисбатан адаб сақлашимиз лозим. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ажойиб гаплари бор:

«Мен Аллоҳдан ризқ сўрамайман. Чунки Аллоҳ ризқимни тақсимлаб бўлган. Аммо мен Аллоҳдан ризқимга барака сўрайман!».

Абдулқодир Полвонов